



“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК
Фарғона вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона шаҳар Мададкор МФЙ С.Ахмад, Истиклол кўчалари ҳудудида яшовчи 5152 нафар аҳолини тоза ичимлик суви тизимларини яхшилаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Фарғона шаҳар Мададкор МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 1030 м^3 ҳисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Мададкор МФЙ ҳудудидаги мавжуд Д-600 ммли бўлган ичимлик сув тармоғига ҳудудга янги тортилган Д-400 ммли узунлиги 1,5 км бўлган ичимлик сув тармоғини улаш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Фарғона шаҳар бўлими раҳбари:

С.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:

И.Хасанов